VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

11 (20) 2009 йил 18 март, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



Йилбошига йўлдош ўйинлар

Бу икки полвон ўртасидаги олишувда, албатта, эзгулик кучларини ўзида мужассамлаштирган оқ тойчоқ терисини ёпинган ғолиб чиқиши керак бўлган.

➔ 4-бет



Янгиланиш ва яшариш фасли

Наврўз — юртимизнинг гўзал айёми, эзгулик, нафосат тимсоли. Наврўз — пок туйғулар, улуғ ниятлар айёми. Улуғ орзулардан улуғ режалар туғилади Наврўзда. Шу боис ҳам Наврўзи оламни барча бирдек интизорлик билан кутади.

➔ 6-бет



Янги босқич

Мамлакатимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг фаровон бўлиши кўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг келажаги билан боғлиқ. Шу жиҳатдан қишлоқ аҳолисининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан.

➔ 7-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет

Миллий халқ ўйинлари

Журналист маҳорати ва касб этикаси

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет

Яшасанг Ватан учун яша

Маҳалла қадриятлар бешиги

Мулоқот самарали ўтди

НИГОҲ 4-бет

Юртимизда байрам шукуҳи

ЖАРАЁН 5-бет

Мусиқага ошуфта қалб

МАЪНАВИЯТ ВА НАВРЎЗ ТИЛАКЛАРИ 6-бет

ОАТБ «Пахтабанк» ва Давлат тижорат Халқ банкининг байрам қутловлари

ИСТИҚБОЛ 7-бет

Тарихимиз кўзгуси

Дунёдан дараклар

БАЙРАМ ТАБРИГИ 8-бет

«Қизилқумцемент» ОАЖ жамоаси байрам билан қутлайди

ЎзМТДП ҲАЁТИ

Ижроия қўмита йиғилиши

унда муҳим вазифалар белгилаб олинди



Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг VI кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси аъзолари, партия вилоят кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари, девон раҳбарлари ва бош ҳисобчилари иштирокида ўтган йиғилиш кун тартибидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми якунлари тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ЎзМТДП фаолиятини молиялаштириш учун 2008 йилда ажратилган давлат бюджети маблағлари ва даромадларининг шаклланиши ҳамда ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланишнинг қонунийлиги юзасидан ўтказилган текширув якунлари тўғрисида, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар режаси тўғрисидаги масалалар ўрин олди.

Йиғилишни очган ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов кун тартиби билан иштирокчиларни таништириб ўтар экан, партия олдида турган муҳим вазифаларга алоҳида урғу берди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев маърузa қилди. Маърузачи 2009 йил 6 март куни ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилганлиги ва унда кўриб чиқилган масалалар юзасидан ҳисобот берди.

(Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Табаррук заминимизда не-не алломалар, улуғ аждодларимиз яшаб ўтишган. Истиқлол шарофати туфайли уларнинг номлари, қолдирган бой мероси қайта тикланди.

Маънавий-маърифий тарбия

устувор вазифа

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Аждодларимизнинг жаҳон маданияти, илм-фан ривожига қўшган улкан ҳиссаси юрагимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиради. Ана шундай буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодидан бугунги ёш авлод қанчалик хабардор? Ёшларга миллатимиз тарихи ҳақида етарли маълумот бера олаяпмизми?

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимида маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш масаласига бағишланган "Маънавий тарбия — асосий мезон" мавзусидаги давра суҳбатида ана шундай саволларга жавоб изланди.

Тадбирда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, партия фаоллари ва вилоятдаги электрон босма оммавий ахборот воситалари ходимлари, ижодкорлар, талабаёшлар иштирок этдилар. Дастлаб сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Фарҳод Норматов, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Солижон Қудратов миллий ўзлигимизни англаш, маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва уни ёшлар онгига сингдириш борасида партия фаоллари олдида турган вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. ЎзМТДП аъзоси, республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бўлими мудири Илёс Қувондиқов, "Сирдарё ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири Ортиқ Султонов ёшларни ёт ғоялардан, мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда миллий қадриятларимизнинг ўрни ҳақида ўзининг фикрларини баён этди.

Тадбирда бошқа сўз олганлар маънавий-маърифий тарбияни янги босқичга кўтаришда муҳтарам Президентимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асари дастурил амал бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Марказий Осиёдаги янги вазият тўғрисида

"Туркманистон ва Ўзбекистон президентларининг умумий тил топганликлари, аниқроқ айтганда, Тожикистон ва Қирғизистон қиёфасида "умумий душман" топганликлари, мазкур ҳудудда янги вазият юзага келаётганлигидан далолат беради", - деди Бешкек матбуот клуби (ВРС) сайтига берган интервьюсида қирғизистонлик таҳлилчи Валентин Богатирев.

ВРС: Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган учрашуви якуни бўйича Ислом Каримов Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларига учинчи мамлакатларнинг аралашувига йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида фикр билдирди. Сиз буни қандай шарҳлай оласиз?

Валентин Богатирев: Менинг назаримда, икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви охирги пайтдаги энг муҳим воқеалардан бири бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу жараёнга маълум даражада Россиянинг Қирғизистондаги хатти-ҳаракати, аниқроқ айтганда, Қирғизистон энергетикаси ривожи учун Россия пулларини инвестиция қилиш тўғрисидаги Келишувга эришилганлиги туртки берди. Мазкур жараён анча олдин бошланиши тахмин қилинганди. Бу ҳақда мен ва бошқа экспертлар ҳам Марказий Осиё интеграция ва минтақалаштириш жойи эмас, балки геосиёсий дарз кетиш жойига айланаётганини айтгандик. Назаримда, ҳозирги кунда бу ҳолат анча ойдинлаша бошлади, Туркманистон ва Ўзбекистон манфаатлари туташлиги аниқ намоён бўлди. Ваҳоланки, бу масала икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда катта муаммо эди. Туркманистон ва Ўзбекистон президентларининг умумий тил топганликлари, аниқроқ айтганда, Тожикистон ва Қирғизистон қиёфасида "умумий душман" топганликлари, мазкур ҳудудда янги вазият юзага келаётганлигидан далолат беради. Аслида гап икки давлатдан иборат ўзига хос янги норасмий блок шаклланаётгани ҳақида бормоқда, қайсики, улар қисқа вақт ичида тезкорлик билан ўзаро яқинлашиб, сувдан фойдаланиш масалалари бўйича биргаликда сиёсат ишлаб чиқиш билан шуғулланадилар.

Мазкур учрашувда Каримов Қирғизистонга билвосита ва бевосита тааллуқли бўлган жуда жиддий баёнот берди. Мен Каримовнинг сув масаласи учинчи томонлар иштирокида ҳал этилиши керак эмаслиги ҳақида билдирган фикрини айтяпман. Тушунарли, бу борада у АҚШ ёки Хитой эмас, балки Россия ҳақида гапирди. Шунингдек, гап Қозоғистон ёки Афғонистон ҳақида эмас, балки Қирғизистон ва Тожикистон тўғрисида бораётганлиги ҳам тушунарли. Ислом Каримов на Россия ва на бошқа бирор мамлакат Марказий Осиёдаги сув-энергетика муаммоларига аралашишлари керак эмаслигини аниқ таъкидлаб ўтди.

(Давоми 2-бетда)

НИГОҲ

Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатадиган анъана ва маросимлари, урф-одат ва байрамлари бор. Асрлар оша яратилиб, халқимизнинг ижодий салоҳияти туфайли сайқалланиб келган шундай анъаналар ўша миллатнинг ўзлигини, миллий қиёфасини белгилайди.

Тинч элга байрамлар ярашади

юртимизда ҳукм сураётган тинч-осойишталик энг катта бойлигимиздир

Файзулла МАННОПОВ,
Тошкент шаҳар Учтепа туман
Абдулла Қодирий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Юртимиз мустақилликка эришгач, мамлакатимизда кўпгина ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлди. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилган ислоҳотлар самараси ўлароқ бугун юртимизнинг қайси шаҳар ва қишлоқларига борманг обод кўчалар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйлари, замонавий руҳда қурилган лицей-коллежларни кўриб кўзингиз қувнайди. Аждодларимиздан қолган тарихий обидалар таъмирланиб, улар яна ўз салобатини тиклади. Халқимизнинг кўп асрлик миллий, тарихий қадриятлари қайта тикланди. Жумладан, Наврўз байрами халқимизнинг руҳи ва кўнглига энг яқин байрам сифатида кенг тантана қилинмоқда. Айни кунларда яшариш, янгиланиш билан боғлиқ энг эзгу ва ҳаётбахш ғояларни ўзида мужассамлаштирган ушбу байрамни ўтказиш учун юртимизда катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Айтиш жоиз, Наврўз байрами ўз тарихий тараққиёти мобайнида ҳеч қачон бугунгидек қадр топиб ғоятда кенг миқёсда нишонланмаган эди. Миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш ва халқимизнинг маънавий тикланишига замин яратиш йўлида фидойилик кўрсатган Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Наврўз байрамининг барча удумлари тикланиб қадимий анъаналари бугунги замондошларимиз томонидан яратилган қадриятлар билан уйғунлашиб, чинакам миллий байрамга айланди. Эндиликда бу байрам мамлакатимиздаги барча халқларни ўзаро бирлаштирадиган умумхалқ шодиёнасига айланди.

Дарҳақиқат, шундай тинч, бахтиёр элга байрам ва хурсандчиликлар ярашади. Улуғ неъмат саналган тинчлик, осойишталик бор экан, биз байрам қиламиз. Тинчликни сақлаш учун эса ҳар биримиз, аввало, хонадонда, сўнг кўчамиз, маҳалламизда огоҳ бўлишимиз зарур. Зеро, огоҳлик, ҳушёрлик давр талабидир.

Бугун кўча ва хиёбонларда болажонлари билан хотиржам сайр қилиб, байрам шукуҳидан завқланиб юрган минглаб юртдошларимизга кўзимиз тушади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳар турли кўнгилсизликлар, алғов-далғовлар бўлиб турган, одамлар тинчини, хотиржамлигини йўқотган бир вазиятда – Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ЎзМТДП ҲАЁТИ



Ижроия қўмита йиғилиши

унда муҳим вазифалар белгилаб олинди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов сўзга чиқди. Партия етакчиси ўз маърузасида ўтган ойда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Бухоро ва Сирдарё вилоятлари кенгашларини молиялаштириш учун 2008 йилда ажратилган давлат бюджети маблағлари ва бошқа даромадларининг шаклланиши ҳамда ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланишнинг қонунийлиги юзасидан текширув ўтказилиб, тегишли далолатнома тузилганлигини маълум қилди. Текшириш натижалари юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги ва партиянинг барча бўғинларида ушбу вазифаларнинг бажарилишига катта эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

— Эътиборли жиҳати шундаки, қишлоқ ва шаҳарнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яқинлаштириш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашиш, уларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни кучайтириш каби вазифалар партиямизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги устувор мақсадларидан қилиб белгиланган. Буларнинг амалий ижросини таъминлашга эришиш зиммамизга масъулият юклайди ва уларнинг амалда бажарилиши аҳоли ўртасида партиямиз нуфузини ортишига олиб келади,- деди нотиқ.

Дарҳақиқат, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишининг таъминланишига кўмаклашиш юзасидан партия алоҳида тадбирлар режасини ишлаб чиққан ва унда қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янги сифат босқичига кўтариш, қишлоқ аҳолиси саломатлигини таъминлашга хизмат қиладиган вазифалар белгиланган. Хусусан, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш ва фермерлик ҳаракатини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир ҳудудий партия ташкилоти қошида "Фермерларга ҳуқуқий маслаҳат бериш" марказларини ташкил этиш ва ушбу марказлар орқали фермерларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш, юртимизнинг чекка ҳудудларида ҳам тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида жойларда "Тадбиркор элга мададкор" мавзусида семинарлар ташкил этиш, шунингдек, "Қишлоқ ҳаётида экология ва саломатлик масалалари", "Қишлоқ тараққиёти ва юрт истиқболи", "Қишлоқ ёшлари: муаммо ва ечимлар" мавзуларида туркум тадбирлар ўтказиш шулар жумласидандир. Бундан ташқари иш режасида бевосита қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилувчи амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси зиммасига юклатиш кўзда тутилган.

Йиғилиш якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ спортчи ёшларимиз жаҳон шоҳсупаларида муносиб ўринларни эгаллаб, юртимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон номини дунёга танитмоқда.

Миллий халқ ўйинлари

уларни спорт турига айлантириш БПТ тадбирларининг бош мақсади

Олимжон ҲАМЗАЕВ,
ЎзМТДП Жомбой туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Албатта, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва ақлан баркамол қилиб тарбиялашда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ўрни беқиёс. Айнан машҳур спортчилар, мусобақаларнинг мутлақ чемпионлари ана шу мактабларда бошланғич таълимни оладилар.

Жомбой туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 422 нафар ўқувчи таълим-тарбия олиб, уларнинг 218 нафарини қизлар ташкил этади. Ўқувчилар бу ерда спортнинг баскетбол, волейбол, қўл тўпи, миллий кураш, бадиий гимнастика каби турлари билан шуғулланадилар. Айни пайтда мактабда 16 нафар мураббийлар ёш спортсеварларни 32 гуруҳга жамлаб, машғулотлар олиб боришяпти. Спорт мактабига Зуҳра Шамсиева раҳбарлик қилади. Шу билан биргаликда у ЎзМТДП бошланғич ташкилотига ҳам етакчилик қилади.

- Бошланғич партия ташкилотимизда аъзолар сони йилдан-йилга ортиб бораяпти,- дейди етакчимиз. - Бу йил улар сафини ёш мураббийлар ҳисобига янада кенгайтирдик. Асосий мақсадимиз миллий истиқлол ғояларини ўтказилаётган спорт мусобақалари билан уйғун равишда кенг оммага, айниқса ёшларга етказишга қаратилган. Бизнинг бу ҳаракат ва изланишларимиз ўз навбатида партиямизнинг туман кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланаяпти. Ёш спортчиларнинг эришаётган муваффақиятлари ўз навбатида кенгаш томонидан рағбатлантириб борилмоқда. Бу эса мактабимиз жамоасини руҳлантириб, янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишга ундамоқда.

Ҳақиқатдан ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси ўтган йилни яхши натижалар билан якунладилар. Бунда Лайло Ёрматова, Мавлуда Зиёбоева, Нурали Жалонгов, Искандар Ибодов, Аслиддин Холмуродов, Акмал Қувонов, Шокир Рўзиев, Жамшид Худойқулов, Давлат Қўчқоров, Мавлуда Боймуродова сингари мураббийларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар айни вақтда "Умид ниҳоллари-2009" спорт мусобақаларининг туман босқичини ўтказаяпти.

Мактаб мураббийлари томонидан халқимизнинг миллий ўйинларини ҳам тиклаб, янада кенг оммалаштиришга катта эътибор бериляпти. Болалар ўртасида чиллак улоқтириш, бештош, оқ терагу-кўк терак, ўрага сичқон тушди, жамбил, замбил кўтариш, кўпкари сингари ўйинлар бўйича мусобақалар ўказилаётганлиги бунинг исботидир.

- Халқимиз азалдан бу ўйинлар воситасида ёш авлодни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланган,- дейди З.Шамсиева. - Масалан, чиллак улоқтиришни олайлик. Бу ўйин иштирокчилардан жуда чаққон ва эпчил бўлишни талаб этади. Оқ терагу-кўк терак ўйинида эса кучли бўлиши керак. Чунки биринчи жамоа иккинчи жамоадан кимнидир ўз қаторига чақириб олади. Исми айтилган иштирокчи рақиб жамоанинг қўл билан ҳосил қилинган занжирини ёриб ўтиши керак. Шундагина у ўз жамоасини ғолиб қила олади. Ўйинларнинг яна бир тарбиявий жиҳати - болаларда халқ оғзаки ижодига бўлган қизиқишни кучайтиради. Чунки халқ ўйинларида мақол, шеър, қўшиқ, ҳикматли гаплар, топишмоқлардан кенг фойдаланилади. Миллий ўйинлардан яна бири бўлган кўпкари халқ орасида эъзозланиб келинади. Биз мардлик, жасорат, ҳалоллик кураши бўлган ана шундай беллашувларимизни болалар ўртасида кенг тарғиб қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

Дарҳақиқат, миллий халқ ўйинлари билан замонавий спорт турларининг уйғунлашуви бир томондан ўқувчиларни қадриятларимизни ҳурмат қилишга ўргатса, яна бир томони эса улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлади. Жамоанинг миллий тикланиш ғояларини ёш авлод онгига сингдириш йўлидаги бу каби саъй-ҳаракатлари партия дастурий мақсадлари билан бевосита уйғун ва муштаракдир. Бу эса ҳамкорликнинг мустаҳкамлиги ифодасидир.

КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда "Оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва янгилаш давр талаби: журналист маҳорати, масъулияти ва касб этикаси" мавзусида давра суҳбати ўтказди. Тадбирда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, марказий газеталарнинг бош муҳаррирлари, таниқли ва тажрибали журналистлар, медиа тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Журналист маҳорати ва касб этикаси

муҳокама марказида бўлди

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бошқа кўплаб соҳалар қатори оммавий ахборот воситаларининг тараққиёти учун ҳам кенг имкониятлар очилди. Бугун республикамизда мингдан ортиқ оммавий ахборот воситалари яъни, 700 га яқин газета, 200 дан ортиқ журнал, 4 та ахборот, интернет агентликлари ва қатор ахборот хизматлари, телерадиоканаллар фаолият кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси билан оммавий ахборот воситаларини демократик тамойилларга асосланган ҳолда ривожлантиришга хизмат қиладиган мустаҳкам қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот олиш эркинлиги кафолатлари тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида" ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Айни пайтда оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва модернизациялаш жараёнидаги аҳамияти, таъсири, масъулиятини ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Давра суҳбатида таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ихтисослашувини олий ўқув юртларидан бошланишига эътибор қаратиш, журналистларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, профессионал маҳоратини замон талаблари даражасига кўтариш лозимлиги, шунингдек, айрим оммавий ахборот воситаларининг қонун меъёрларига амал қилмаётганлиги ҳоллари қайд этилди. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Жамолиддин Ҳакимов ва бошқа сўзга чиққанлар демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш жараёнида журналист масъулияти ва унинг фаол фуқаролик позицияси, миллий қонунчиликда журналист ахборот олишининг ҳуқуқий меъёрлари ва ундан фойдаланиш амалиёти, журналист касб одоби ҳамда ҳаққоний ахборот етказишда журналистлар ихтисослашувининг долзарб масалалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

- Турли қарашлар, холис баҳслашадиган мунозара майдонини яратишда эса, турган гапки оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс,- деди сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов. - Бир нарса аён: халқ матбуотга жамиятнинг кўзгуси, аксар ҳолларда адолат тарозиси сифатида қарайди. Худди мана шу ишонч матбуотнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Муҳтарам Президентимизнинг биз журналистларга қарата айтилган қуйидаги фикрларини эслаш лозим деб биламан. "Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсиқ бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади."

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда журналистларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, касб-маҳоратини тўлароқ намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Шунингдек, уларни мустақил, танқидий фикрлашга ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларга йуналтириш мақсадида бир қатор танловлар ўтказиш анъана тусини олган. "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" танловлари шулар жумласидандир.

Давра суҳбатида юқоридагиларга асосланиб, оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва янгилаш давр талаби эканлигидан келиб чиқиб, журналист маҳорати, масъулияти ва касб этикасини мунтазам юксалтириб бориш мақсадида тегишли идора ва ташкилотларга таклиф-тавсиялар билдирилди.

Марказий Осиёдаги янги вазият тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

ВРС: Сизнинг назарингизда, бунга Россия раҳбариятининг муносабати қандай бўлади?

Валентин Богатирев: Менинг фикримча, Россия раҳбарияти томонидан бунга ҳеч қандай муносабат билдирилмайди. Шуни тушуниш керакки, Россия ва Қирғизистон ўртасидаги Келишув билан боғлиқ масала бирмунча бошқачароқ йўсинда турибди. Унда гап электростанциялар қурилиши ҳақида эмас, балки бу жараёндан бугунги вазиятга таъсир этувчи кучли восита сифатида фойдаланишга уриниш ҳақида бормоқда. Бу қурилиш билан Россия бир томондан - Қирғизистон энергетикаси устидан, иккинчи томондан - Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг жанубий қисмига оқиб келаётган сувни назорат қилиш орқали Ўзбекистон устидан ҳам назорат олиб бориш имкониятини эгаллаши мумкин.

Бу шунақа бизнес лойиҳаки, унинг асл моҳияти - электр энергияси сотиб, даромад олиш эмас. Худога шукр, Россиянинг станциялар қуриш учун жойлари етарли. Бироқ, ўз ҳудудида электр энергия танқис бўла туриб, негадир, у айнан шу ерда станция қуришга шайланмоқда... Шундай экан, гап бу ерда муайян сиёсий манфаатлар ҳақида кетаяпти.

Шу боис, менинг назаримда Россия Каримов баёнотига унчалик эътибор бермайди, чунки у қиладиган ишини қилиб бўлди. Россия мазкур мамлакатларда сув ресурсларини назорат қилишга тайёр эканлигини билдирди. Медведев Ўзбекистонга қилган ташрифи пайтида эса Ўзбекистон томонга ўзининг дипломатик мулозаматини билдирган бўлса-да, кейинги ҳаракатлар ва Қирғизистон билан имзоланган Келишув бу масалада Россия Ўзбекистон билан ҳисоблашиш нияти йўқлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сув — бу реал муаммо ва у бугунги кунда долзарб бўлиб турибди. Ўзбекистон экспертлари таҳлилига кўра, ўтган йил сув жуда танқис бўлди. Демак, бугунги кунда мамлакатни суғориш сувлари билан таъминлаш масаласи анча кескин тус олади. Ҳозирданоқ Ўзбекистонга сув бермаётгани учун Қирғизистон қиёфасида душман образи шаклланмоқда.

Менинг фикримча, шу муаммо асосида бора-бора низолар келиб чиқиши мумкин. Албатта, бу низолар сув танқислиги билан боғлиқ конкрет ҳудудларда юзага келади, лекин биз бу ҳолат Фарғона водийсида нечоғли хавфли бўлишини биламиз. Қўшимча қилиб айтмоқчиманки, Каримовнинг эҳтиёткорлиги масаланинг бу қисмига ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, у беихтиёр хавотирланиб, мазкур можароларга Россия аралашмаслиги, бундай ҳодисаларни тартибга солиш учун ўз ёрдамини таклиф этмаслиги кераклигини айтди. Шу билан бирга, биз Россиянинг кўплаб мансабдорлари, айниқса, ҳарбийлари Қирғизистон жанубида ўз базаларини очиш тўғрисидаги эски ғояларини яхши эслаймиз. Шунинг учун, бу ғоя яна кўтарилади ва авж олади, деб ўйлайман.

ВРС: Вужудга келган бундай шароитда Қирғизистон қандай йўл тутиши керак, деб ўйлайсиз?

Валентин Богатирев: Биринчидан, сув ҳажми ва уни узатиш жадвали масалалари жуда кескин тус олишига тайёр бўлиб туриш керак. Таъкидлаб ўтишни истардим, бу вазият Қирғизистон учун мураккаблашиб бораверади. Биз сувни қаттиқ тежаш тартибига тайёр туришимиз зарур. Биласиз, кўплаб чеклашларга қарамай, Токтагуль сув омборидаги вазиятни тўғрилаш борасида сезиларли ўзгариш бўлмади. Сув етишмовчилиги қандай бўлса, шундайлигича қолди. Шунинг учун, тартибни сақлаб туриш ва сувни тўплаб бориш жуда-жуда зарур, акс ҳолда сув омборидан ажраб қолишимиз аниқ.

Шу билан бирга, суғориш ишлари бошланиши билан Ўзбекистонга бериладиган сув миқдорини максимал даражада чеклаш ҳам Қирғизистон манфаатига киради. Табиийки, бу Ўзбекистон билан қарама-қаршиликка олиб келади ва менинг фикримча, бу масалани ҳал этишда Ўзбекистон етарлича кескин чоралар қўллайди. Айни шундай вазият Амударё оқими бўйича Тожикистон билан ҳам ривожланиб боради.

Иккинчидан, бу ишнинг узоқ муддатга мўлжалланган ҳақида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг нуқтаи назари аниқ ва равшан. У Қирғизистон ва Тожикистондаги ГЭСлар қурилиши билан боғлиқ лойиҳаларни халқаро экспертизадан ўтказилишини талаб қилади. Бу ўринда таъкидлаш жоиз, бундай лойиҳалар у ёки бу йўсинда доимо экспертизадан ўтказилади. Гап шундаки, бундай йирик объектлар қурилиши кўп миллиардлаб инвестициялар талаб этади. Ўз-ўзидан тушунарли, бу кредит пуллари бўлади. Бундай катта маблағни бераётган халқаро ташкилотлар эса доим мазкур лойиҳаларни баҳолаш амалиётини қўллайди. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу ерда гап фақат экологик жиҳатдан баҳолаш ҳақида эмас, балки бундай қурилишлар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган сиёсий хавф-хатарлар ҳақида ҳам кетмоқда.

Бошқача айтганда, агар конкрет бир халқаро молиявий тизим бундай лойиҳани молиялаштириш истагини билдирган тақдирда ҳам станция ишлашига тўла ишонч ҳосил қилмагунича бир тийин ҳам бермайди. Масалан, Ўзбекистон бунга қарши чиқиб, фаол ҳаракат қилиб турибди. Шунинг учун Ўзбекистон розилик бермагунча ҳеч ким бу иншоотга пул ажратмайди.

Бу ерда Хитойдан Қирғизистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга ўтадиган темир йўл қурилиши билан боғлиқ аҳволга айнан ўхшаш ҳолат юзага келмоқда. Ўзбекистон томони розилик бермагунича бу қурилиш бошланмайди, ҳеч ким лойиҳани молиялаштирмайди.

Мазкур масалада гап фақат оддий экологик мулоҳазалар устида бормаяпти. Менинг фикримча, қандайдир экспертизалар, жумладан, экологик экспертизалар муваффақиятли ўтиши мумкин, чунки бундай сув омборлари кўплаб жойларда қурилмоқда. Улар, албатта, экологияга таъсир кўрсатади, лекин бу таъсир устидан назорат ўрнатиш мумкин ва улар жиддий ўзгаришлар ва муаммоларга олиб келмайди. Гап ҳаттоки, ҳуқуқий экспертиза ҳақида ҳам кетаётгани йўқ, чунки жаҳон халқаро ҳуқуқида бу масала етарли даражада очиқ. Дарёларга трансчегаравий мақоми берилиб, улардан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи жорий этилган. Шундай ҳудудлар ҳам борки, улар бир мамлакатнинг ҳуқуқий майдони ҳисобланиб, бошқа мамлакат унинг ишларига аралашувига йўл қўйилмайди. Шу маънода халқаро ҳуқуқий экспертиза ҳеч қандай натижа бермайди, муаммо бўлиб станцияларни молиялаштириш масаласи қолади.

Қирғизистон, энг аввало, Ўзбекистон билан келишиб олиши зарур. Муаммони юзма-юз ўтириб, аниқ йўналиш бўйича муҳокама қилиш жоиз. Энг яхшиси, мунозаралар икки томоннинг манфаатлари кўзланган ҳолда олиб борилгани маъқул. Бу борада Ислом Каримов айрим фикрларни ҳам билдирди. Агар қурилиш Ўзбекистон манфаатларига жавоб беришига ишонч ҳосил қилса, у инвестицияда иштирок этишга тайёр эканини ҳам айтди. Шундай экан, биз музокара столи атрофига ўтириб, сувдан фойдаланиш тартиби, унинг ўрмон хўжалиги учун қандай оқибатлар келтириши мумкинлиги, уларни қандай камайтириш масалалари ва ҳоказо-ҳоказолар борасида келишиб олишимиз керак. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур масала бўйича муаммоларни бугуноқ гаплашиб олмоқ керак.

Интервьюни Радислав Сафин тайёрлади,
ВРС, Бишкек матбуот-клуби

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Яшасанг Ватан учун яша

партия ҳудудий ташкилотлари томонидан ўтказилган тадбирлар шу каби мавзуларга бағишланди

Тўмарис АЪЗАМ,
“Milliy tiklanish” мухбири

- Ватан бизнинг саждагоҳимиз саналади. Ҳар бир инсон она юртини кўз қорачиғидек асраши, ўз фарзандлик бурчини адо этиши лозим. Ватан туйғуси инсонни мудом фидойиликка, мардликка даъват этиб туради. Шундай экан, она заминга, унинг тарихига муҳаббат туйғусини, элюртга садоқат каби юксак ахлоқий-маънавий қадриятлар ҳақидаги ғояларни фарзандларимиз қалбига сингдиришимиз керак - деди **ЎзМТДП Шўрчи туман кенгаши Ижроия қўмитаси** раиси Ф.Ҳамидов туман ахборот-ресурс маркази билан ҳамкорликда ўтказилган “Яшасанг Ватан учун яша” мавзусидаги тадбирда.

Тумандаги иқтидорли, ижодкор талаба – ёшларнинг бадиий чиқишлари билан бошланган тадбир барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Шунингдек, иштирокчилар ўртасида мамлакатимиз географиясига оид викторина ўтказилиб, унда фаол қатнашган саккиз нафар ёшларга партия томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

* * *

ЎзМТДП Сариосиё туман кенгаши туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси, “Камолот” ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бу йўналишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида тумандаги қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, агросаноат коллежлари, Узун туман маиший хизмат кўрсатиш коллежи ҳамда Шарғун қурилиш касб-ҳунар коллежлари ўртасида “Энг ёш истеъмолчи - 2009” кўрик – танлови ўтказилди.

— Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида қабул қилинган қатор қонунлар ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан партиямиз томонидан кўплаб тадбирлар ўтказилаяпти,- деди ЎзМТДП Сариосиё туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси О.Жўрабекова. — Ушбу кўрик-танловдан мақсадимиз ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги билим ва кўникмаларини, истеъмол маданиятини оширишдир.

Тадбирда биринчи ўринни иқтисодиёт коллежи талабаси Мафтуна Абдураҳмонова, иккинчи ўринни Сариосиё туман агросаноат коллежи талабаси Зулайҳо Абдумўминова эгаллади. Ғолиблар кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланма олдилар. Танлов якунида фахрли ўринни эгаллаган иштирокчилар партия томонидан қимматбаҳо совғалар ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

* * *

ЎзМТДП Ғаллаорол туман кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда ФЖЎИ Жиззах минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида тиббиёт коллежида “Терроризм, миссионерлик ва одам савдосига қарши кураш” мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

— Ёшларимизни турли оқимлар таъсиридан асраш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ҳуқуқий-сиёсий билимларини оширишга қаратилган тадбирлар, семинар - тренинглар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда,- деди сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Казаков.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга мавзуга доир кўргазмалар, видеофильмлар намойиш этилди.

* * *

ЎзМТДП Бахмал туман кенгаши Ижроия қўмитаси туман халқ таълими бўлими ва “Камолот” ЁИҲ кенгаши билан ҳамкорликда туман мактаблари ўртасида “Маҳаллам-мамлакатим” мавзусида иншолар танлови ўтказди.

— Ушбу танловда турли ёшдаги ўқувчилар қатнашишди. Уларнинг ёзма ишларини ўқиб, ёшларимизнинг ўз маҳаллалари, қўни-қўшниларини ҳурмат қилишлари ва ардоқлашларидан қувондик, - деди ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ж.Ҳайдаров. — Маҳалла жамиятнинг бош бўғини ҳисобланади. Шундай экан партия ташкилотлари маҳаллалар билан алоқаларини мустаҳкамлаши талаб этилади. Бу эса ўз навбатида партиянинг аҳоли орасига янада чуқурроқ кириб боришига хизмат қилади.

Ўз иншолари билан иштирок этган иқтидорли, фаол ёшларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси, шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ЁИҲ кенгаши ҳамкорлигида 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бадиий гимнастика бўйича ўқувчи-қизлар ўртасида шаҳар биринчилиги учун мусобақа бўлиб ўтди.

— Спортнинг бадиий гимнастика тури куч, маҳорат билан бирга қизлардан нафислик ва жозиба талаб қилиши билан бошқа спорт турларидан фарқ қилади. Бугунги мусобақада ана шундай талабларга жавоб бера оладиган турли ёшдаги қизларимиз иштирок этишди, - деди ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Баҳодир Жуманиёзов. — Шаҳримизда бу спорт турини оммалаштириб, ўқувчиларимизнинг нафақат республикада, балки жаҳон ареналарида ҳам юқори ўринларни эгаллашини олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Мусобақада “Энг ёш спорт гимнастикачи”, “Гимнастика маликаси”, “Гимнастикада энг чиройли машқ кўрсатган қиз” номинациялари бўйича аниқланган ғолиблар ва 10 нафар иштирокчиларга партия ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди.

* * *

Урганч шаҳар “Олимпия заҳиралари” коллежида ўсмирлар ўртасида белбоғли кураш бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Унда Фарғона, Андижон, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган курашчилар 26 та вазнда ўзаро беллашдилар.

— Курашнинг турлари кўп. Жумладан, белбоғли курашга бугун йигитларимиз билан бирга қизларимиз ҳам қизиқиб, турли беллашув, мусобақаларда қатнашишмоқда. Бундан кўриниб турибдики, миллий спорт турларимиз орқали ёшларимиз жаҳон шоҳсупаларига чиқишяпти. Бу каби ютуқлар қалбимизни фахрга тўлдиради,- деди белбоғли кураш федерацияси бошлиғи, халқаро спорт устаси Р.Исҳоқов.

Мусобақада биринчи ўрин Фарғона, иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса хоразмлик курашчиларга насиб этди. Ғолиблар **ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши,** шаҳар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қимматбаҳо совғалар ҳамда диплом билан тақдирландилар.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Маҳалла қадриятлар бешиги

Маннон ОТАБОЙ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Маънавият тарғибот маркази Олот туман бўлими ва ЎзМТДП Олот туман кенгаши тумандаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари диний-ахлоқий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилари иштирокида Қирлишон қишлоқ фуқаролар йиғинида “Қишлоқ аёллари ва миллий қадриятларимиз” мавзусида катта тадбир ўтказди.

Тадбирни очган маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари, ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Г.Рўзиқулова миллий қадриятларни асраб-авайлашда аёлларнинг ролига алоҳида эътибор қаратди.

- Боқий анъаналаримиз асрлар тўфонию даврлар силсиласидан эсон-омон ўтиб, минг йиллар давомида сайқалланиб, миллий қадриятларимизга айланди. Бу эса бизга ўзлигимизни англатиш билан бирга қалбимизда ғурур уйғотади,- деди нотиқ ўз сўзида. - Ана шундай туйғуларни ёш авлод қалбига жо этиш эса кўпроқ аёлларга боғлиқ эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Тадбирда шунингдек, Қ.Шодиева, Ш. Мавлонова, А.Хўжжиева, Ў.Аллаева, М.Рўзиева каби МФЙ маслаҳатчилари сўзга чиқиб, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да маҳалла ободлиги, фаровонлигини таъминлашда хотин-қизларнинг иштироки ва фаоллигини ошириш ҳақида тўхталдилар.

Тадбирда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ишлар юзасидан ҳам савол-жавоблар бўлиб ўтди. Шу куни қишлоқ ҳудудида истиқомат қилувчи беш нафар фаол хотин-қизлар партия сафига кириш учун ариза бердилар.

Мулоқот самарали ўтди

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Пешкў туман кенгаши Афшона тиббиёт коллежининг ўқитувчи ва ўқувчилари билан очиқ мулоқот ўтказди. Мулоқотда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилмурод Жабборов партия Дастури, халқимизнинг ўзига хос миллий мероси, урф-одатлари ва қадриятлари хусусида гапирди ва ўз навбатида талабаларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Шундан сўнг коллеж директори Фазлиддин Узоқов ва бир қатор ёшлар сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини баён этди. Тадбирда бир гуруҳ ўқитувчилар партияга аъзо бўлиш истагини билдирдилар.

Йиғилиш якунида ўқув даргоҳига яқин бўлган “Афшона” маҳалла фуқаролар йиғини қошида партиянинг бошланғич ташкилоти тузилди. Унга коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мубинжон Раҳимов етакчи этиб сайланди. БПТ фаолияти юзасидан сўзга чиққан нотиқлар жумладан партиянинг ёшлар сиёсатида белгиланган мақсад ва вазифаларига кенг тўхталдилар.

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

Она заминимиз узра офтоб чарақлаб, Наврўз нафаси уфуриб турган мана шу қутлуғ ва мунаввар кунларда юртдошларимизни бу улуғ айём билан самимий қутлаймиз.



Бунёдкор халқимизга омонлик, мустақил юртимизга тинчлик тилаймиз!

Диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин.

ЎзМТДП НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

НИГОҲ

АЙЁМ

Йилбошига йўлдош ўйинлар

ёхуд Наврўз анъаналари

Маматқул ЖЎРАЕВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор



(Давоми.
Боши ўтган сонларда)

Бу икки полвон ўртасидаги олишувда, албатта, эзгулик кучларини ўзида мужассамлаштирган оқ тойчоқ терисини ёпинган «айы» ғолиб чиқиши керак бўлган. Мободо қора той терисини ёпинган полвон рақибига қараганда жисмоний жиҳатдан кучлироқ, бақувватроқ бўлган тақдирда ҳам кексалар унга «сен йиқилиб беришинг керак» деб уқтиришган. Чунки оқ тери соҳибининг ғалабаси қиш тимсолидаги «эски йилнинг» мағлубияти ҳамда ёз, иссиқлик, ёруғликнинг тантанасини англатган. Айни ҳолатни ҳинд-европа халқларининг баҳорий удумларида ҳам учратамиз: исландлар ҳар йил баҳорда икки айғир жангини ўтказишган. Икки фасл ўртасидаги курашни ўзида мужассамлаштирган бу мавсумий ритуалда отлардан бири қиш, иккинчиси ёз тимсоли деб қаралган. Эзгулик ва ёвузлик кучларининг рамзий курашини ўзида ифода этган бундай ритуал олишув қадимги хеттларнинг баҳорни қаршилаш маросимида ҳам ўтказилган.

Наврўз байрами ҳам, Абу Райҳон Беруний таъбири билан айтганда «оламнинг яратилишига далил қилинганлиги» боис, қиш билан баҳор, совуқлик билан иссиқлик, зулмат билан ёруғлик ўртасида кечган курашда эзгулик кучлари ғалаба қилган кун сифатида тантана қилинган. Йилбоши сайилларидаги кураш баҳсининг ўтказилиши ҳам ана шу кўҳна тасаввурлар асосида келиб чиққан.

Наврўз байрами тантаналарида «қўчқор уриштириш» ўйини ҳам ташкил этилади. Айниқса, Бухоро, Навоий, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларидаги йилбоши сайиллари бурама шохли қоракўл қўчқорлари урушисиз ўтмаган. Чўпонлар ўзларининг тўрт-беш яшар қўчқорларини қиш бўйи емлаб боқишган ва йилбоши сайлида уюштириладиган «қўчқор уриштириш» баҳсида қатнашиб, олқиш олишни ўзларига шараф деб билганлар. Наврўзда «қўчқор уриштириш» ўйини ҳам рамзий моҳият касб этганлигини Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида Наврўз байрами кунлари уйларнинг деворига қўчқор шохи белгисини чизиб қўйиш удуми мавжуд бўлганлиги ҳам тасдиқлайди. Туркий халқлар мифологияси ва эътиқодларида қўй ва қўчқор культи муҳим ўрин тутган. Бинобарин, қадимда қўй-қўчқор культи бахт, омад ва хайру барака билан боғлиқ бўлганлиги боис, янги йил байрамида, шунингдек, янги уй қурилишини бошлашдан аввал бу жониворни сўйиб қурбонлик келтирганлар. Уйларнинг устунини қўчқор шохи билан безатишда ҳам ана шу рамзий маъно ўз аксини топган.

Туркий халқлар мифологиясидаги «қўчқор» культи серҳосиллик магияси билан боғлиқ бўлганлиги боис, Чимкент вилоятида йилбоши сайли Қўчқор ота номли мозор ёнида ўтказилган.

Ҳовлиларда, боғларда қўчқорларни боғлаб қўйиб боқишда ҳам муайян рамзий маъно бўлган. Қадимги инончларга кўра, қўй ёки қўчқор боқилаётган жойга ёвуз кучлар яқин келолмас, бу жониворлар хонадонни ёмон кўздан ҳам асрар эмиш. Яъни бад ниятли одамнинг назари қўчқорга тушиши биланоқ унинг "кўзи" ўз кучини йўқотади, деб ишонганлар.

Қадимги аждодларимиз қўчқор шохи инс-жинсларни ҳайдаш хусусиятига эга, деб тасаввур қилишган. Дарвозаларнинг тепасига, муқаддас жойларга қўчқор шохи осиб қўйилиши, гилам, сўзана ва палак каби ҳунармандчилик намуналарига қўчқор шохи шаклидаги безак-нақш туширилиши, «Қўчқор ота» номи билан аталувчи қадамжолар мавжудлиги ҳам шу тасаввурлар билан боғлиқдир.

Қўчқор барака, хайр-саховат тимсоли деб қаралганлиги туфайли илгари бирор эзгу ишга қўл уришни ният қилган кишилар даставвал қўй бозорига бориб, қўчқор бошини силаганлар. Шундай қилса, бошланажак иш бароридан келар экан. Наврўз байрамида, халқ сайиллари ва тўйлардаги қўчқор уриштириш удумининг замирида ҳам серҳосиллик, элюрт хотиржамлиги ҳамда қут-барака ғояси мужассамлашган.

Қадимда Наврўз байрамида янги йилда ҳосил мўл бўлишига магик таъсир кўрсатиш мақсадида ўйналган рамзий ўйинлардан яна бири «туя уриштириш»дир.

Аждодларимизнинг мифологик тасаввурлари ва инончларини ўзида ифода этган Марказий Қизилқумдаги Буқантов тоғидаги қоятош суратларида ҳам туя уриштириш лавҳаси акс этган. Хусусан, Ойбоҳансой деган жойдаги Бохали булоғи ёнидаги тошда бирига рўпарама-рўпара турган иккита қўш ўркачли, нор туя сурати чизилган. Ўнг томондаги туянинг оёқлари орасида, чапдаги туянинг эса ўркачи ўртасига чизилган астраль белги эса бу жонзотлар қуёш культига алоқадорлигини кўрсатади.

Ўйлашимизча, бу суратда халқимизнинг йилбоши байрами – Наврўз билан боғлиқ қадимий ритуаллардан бири – туя уриштириш удуми акс эттирилган. Туя уриштириш Наврўз байрами тантаналарининг доимий ва қадимий элементларидан бири бўлиб, ҳосилдорлик культи билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан анъанавий ритуалдир. Қадимда Оқтоғ деган жойда яшаган туркий қавмлар ҳар йили йилбошида етти кун мобайнида от ва туя уриштириш томошаларини ўтказишган ҳамда уларнинг уришишига қараб туриб йилнинг баракали ёки камҳосил бўлишини тахмин қилганлар.

Жонбосқалъадан туя боши тасвирланган терракота ҳайкалчаси, Аёзқалъадан эса туя шаклидаги антик даврга мансуб муҳр топилган. Бештепадаги қоятошга эса икки туя расми чизилган.

Қадимги ўзбек мифологиясида икки ўркачли туя образи куч-қудрат, омад, бахт, ҳокимият ва давлат тимсоли сифатида тасаввур қилинган. Аждодларимиз бу жониворни омад, шон-шараф ва ғалаба рамзи тарзида талқин қилишгани боис, "Авесто"нинг "Бахран яшт" алқовида қут тимсоли Веретрагнанинг туя кўринишига эврилиши тасвирланган. Бақтрия маданиятига оид қадимги муҳр, танга ва бошқа археологик топилмаларда туя сурати тасвирланганлиги милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмидаёқ мамлакатимиз ҳудудида туяни қут-барака, куч-қудрат, шон-шараф, буюклик ифодаси сифатида эъзозлаш анъанаси кенг оммалашганлигидан далолат беради. Варахша ёдгорлиги эса ўтмишда яшаб ўтган ҳоқонларнинг тахти икки ўркачли туя шаклига монанд қилиб ясалганлиги ҳақида маълумот беради. III асрнинг охири IV асрнинг бошидан то араблар истилосигача бўлган даврда ҳукм сурган хоразмшоҳларнинг шоҳона тожини туя сурати безатиб турган. VII-VIII асрларда Хоразмда зарб қилинган тангаларга туя сурати туширилганлиги ҳам бу жонивор улуғворлик, буюклик рамзи, деб қаралганлигини кўрсатади.

Халқимиз туяни омад, ғалаба тимсоли деб қараган. Шунинг учун бўлса керак, 1404 йилда Амир Темурнинг ғалабаларидан бирига бағишлаб Самарқандда ўтказилган байрам сайлида иштирок этган ҳунармандлар туя ва йўлбарс шаклидаги сопол буюмлар ясаганлар.

Туяни эзгу куч тимсоли деб тасаввур қилишга асосланган мифологик қарашларнинг излари халқ қарашлари, фольклор асарлари ва этномаданий қадриятлар тизимида бугунги кунгача сақланиб қолган. Хусусан, нуроталиклар эътиқодича, вафот этган улуғ кишиларнинг руҳи туя кўринишида намоён бўлар эмиш. Туя поклик, ҳалоллик, адолатлилик мезони ҳам саналади. Халқимизда туяни сўкиш, уриш, унга озор етказиш катта гуноҳ деб қаралади. Туя жунини ажина, алвасти каби ёвуз кучларни ҳайдовчи магик восита деб тасаввур қилинади. Туя думининг, шунингдек, олдинги оёқларининг осилиб турган юнгидан тумор тайёрлаганлар. Туя юнгидан 3 ёки 5 та ип қилиб, болалар чопонининг орқа томонига тикиб қўйилса, ўша болага ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди, деб ишонадилар. Ўзбек халқ достонларида эпик қаҳрамонларни олис манзилларга бир зумда етказиб қўядиган қанотли туя образи тасвирланган бўлса, афсоналарда юртимиздаги кўпгина муқаддас қадамжоларнинг пайдо бўлиши у ёки бу табаррук зот жасади ортилган туя чўккан жойнинг зиёратгоҳга айланиши билан боғлаб изоҳланади. Нурота тоғларидаги Қоракиса қишлоғида «*Туя арвоҳ бўлади*», деган ибора жуда машҳурдир.

Мифологик тасаввурларга кўра, туя образи ҳосилга барака бахш этадиган жонивор сифатида ҳосилдорлик культи ҳақидаги қадимги инончлар билан ҳам боғланади. Шунинг учун ҳам халқимиз асрлар давомида йилбоши – Наврўз байрами сайилларида келаётган меҳнат мавсуми баракали, хайрли ва тўкинсочин бўлсин деган эзгу ният билан "туя уриштириш" ўйинини ташкил этганлар. Наврўз сайлида туя уриштирилиши – баракали, серҳосил йил белгиси деб қаралган. Шунинг учун ҳам Сармишсой, Буқантов қоятошларига чизилган қадимги суратлар – петроглифларда тасвирланган туя образи ҳосилдорлик ғоясини ўзида мужассамлаштирган мифологик тимсол вазифасини ўтаган.

ТАРАДДУД

Мухтасархон КАРИМОВА,
Ҳусан БУРҲОНОВ

Юртимизда байрам шукуҳи

Миллатимиз кўрки, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган қадимий урф-одат ва анъаналаримизни ўзида мужассам этган Наврўз шукуҳи бугун юртимиз бўйлаб кезмоқда. Бу йил ҳам Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқармаларида ватанимизнинг барча туманлари, қишлоқ ва энг чекка овулларида ҳам Наврўз умумхалқ байрамини муносиб ўтказиш мақсадида улкан тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида байрамга тайёргарлик айни авжида. Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат мусиқали театрида ҳар кунлик режа асосида республика театр эстрада-концерт ва халқ бадиий жамоалари Тошкент ҳамда Нукусда бўлиб ўтадиган байрам томошаларига тайёргарлик кўрилмоқда.

Қашқадарёда Наврўз умумхалқ байрамини юксак бадиий савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, "Наврўз-2009" бўйича "Энг яхши сценарий", "Энг яхши бастакорлик иши", "Энг яхши рассомлик иши" номинациялари бўйича танловлар эълон қилинди. Шунингдек, байрам тадбирларида вилоятнинг ўзига хос урф-одатлари, удумлари, қадриятларини акс эттирувчи байрам дастурлари, фольклор жамоалари ўртасида кўрик-танловлар, халқ сайиллари, спорт мусобақалари намойиш этилади.

Самарқанд вилоятида ҳам байрамга аталган ранг-баранг тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастур асосида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида махсус ишчи гуруҳлари, бадиий кенгашлар тузилиб, байрам тадбирлари режаси ҳамда театрлаштирилган сценарийлар яратилди. Тадбирлари барча шаҳар ва туманларда, асосий байрам тадбирлари жойлардаги маданият ва истироҳат боғларида, марказий майдон ҳамда хиёбонларда халқ сайиллари тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Бухоро вилоятида эса байрам муносабати билан кенг кўламдаги ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. "Наврўз яшариш ва янгиланиш айёми", "Эзгуликка чорлайди Наврўз" дастури асосида ўтказиладиган байрам томошалари вилоят талабалари, мактаб ўқувчилари ва боғча тарбияланувчиларига намойиш этилиши кутилмоқда. Тадбирларда "Шўх болалар", "Зоғора балиқ" гуруҳлари, Садриддин Айний номидаги театр жамоаси ҳам ўз дастурлари билан иштирок этиши кутилмоқда.

Навоий вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳам Наврўз умумхалқ байрамини ўтказишга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Режага кўра, жойларда маданий хизмат кўрсатувчи бадиий жамоалар ва якка ижрочилар аниқланиб, концерт дастурлари тузиш кўзда тутилган.


Фарғоналиклар ушбу байрамни тўлақонли ўтказишга астойдил бел боғлашган. Айниқса, Фарғона шаҳар марказида бўлиб ўтадиган байрам тантаналарига Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғи, Марказий маданият уйи, "Нефтчи" маданият саройи, Фарғона шаҳрининг марказий маданият уйи, шунингдек, барча туман ва қишлоқ марказларида жиддий тайёргарлик кетмоқда. Байрам арафасида еттита болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари томонидан турли мусобақа, эстафета, ўзбек халқ миллий спорт ўйинлари, югуриш марафонлари бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Жиззах вилоятида Наврўз тантаналари 21 март куни Жиззах шаҳрининг Мустақиллик майдонида бўлиб ўтади. Байрам тадбирларида вилоят санъаткорлари билан бирга Тошкент шаҳридан келган таниқли санъаткорлар ҳам қатнашадилар. Тадбирда 3 мингдан зиёд аҳоли иштирок этиши кутилмоқда. Жиззах шаҳридаги болалар истироҳат боғида "Миллатимиз фахрисан, Наврўз", Жиззах санъат коллежининг ёзги амфитеатрида "Ҳар кунинг бўлсин Наврўз - она Ўзбекистон" каби байрам томошалари бўлиб ўтади. Ушбу байрам томошаларида вилоят академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси, "Жиззах" ашула ва рақс ансамбли, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлимининг санъаткорлари ўзларининг концерт дастурларини намойиш этиши режалаштирилган.

Сирдарё вилоятида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан тайёргарлик ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Вилоят марказида бўлиб ўтадиган асосий байрам тадбирида маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимидаги бадиий жамоалар, халқ ансамбллари, О.Хўжаев номидаги вилоят драма театри жамоаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлимининг таниқли эстрада хонандалари, Тошкент шаҳридан ташриф буюрадиган санъаткорлар иштирок этиши режалаштирилмоқда.

Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси Наврўз тантаналари арафасида бир қанча кўрик-танловларни ўтказмоқда. Танлов натижасига кўра, энг яхши фольклор қўшиқ, рақс, анъанавий ижрочилик, театрлаштирилган кўринишлар, сухандонлик санъати бўйича танловлар ўтказилиб, ғолиблар жойларда ташкил этиладиган Наврўз тантаналарида қатнашишлари кутиляпти.

Ҳозирда барча жамоаларда байрамга тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бундай тайёргарликлар Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида ҳам аллақачон бошлаб юборилган.



ЖАРАЁН

МИЛЛИЙ МЕРОС

Мусиқага ошуфта қалб

Равшан ЖОМОНОВ,
Нозимжон ҚОСИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцентлар

Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай пурҳикмат сўзлари бор: "Санъат аҳлининг нафаси бир ўтдурким, қуруқ кўзни ёшлатур, юмшоқ кўнгулни йиғлатур". Ҳар гал Раҳматжон Турсунов билан учрашганда, унинг мусиқий меросимиз ҳақидаги фикрларини эшитганда ёхуд Раҳматжон ака басталаган куйларни тинглаганда ҳазратнинг юқоридаги гаплари кўнгилдан ўтади. Ҳа, Раҳматжон Турсуновда халқ мусиқасига ошуфталик, халқ анъанавий ижрочилигига бўлган меҳр-муҳаббат кучли. Унинг куйлари ҳар қандай тингловчини беихтиёр ўзига ром этади.

Назаримизда, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Раҳматжон Турсунов аввало ажойиб педагог, ўз соҳасида кўзга кўринган профессор. 1987 йилдан бошлаб кафедра мудири. Халқ мусиқасининг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда шўролар даврида айни соҳа бўйича ўз илмий ишини Москвада ҳимоя қилиб келган. Унинг илмий тадқиқотида асосий эътибор халқ педагогикасига, Шарқ халқларида анъана бўлиб келган устоз-шогирд тизимига қаратилган. Ҳайратланарли жойи шундаки, бугунга келиб айни шу анъана фақатгина мусиқий таълимда эмас, балки республикамиздаги умумий олий таълимга тўлиқ жорий қилинмоқда.

Маълумки, истиқлолга қадар асосан композиторлик ижодига, аниқроғи ғарб мусиқасига жиддий эътибор қаратилар, миллий мусиқага у қадар аҳамият берилмасди. Ана шундай қийин бир шароитда Раҳматжон ака устозларининг анъаналарига содиқ қолган ҳолда ўзи ҳам миллий руҳдаги халқона куй-қўшиқлар яратишга ҳаракат қилди. Ўтган асрнинг 60-70-йилларида Раҳматжон Турсунов басталаган мусиқалар, куй-қўшиқлар, санъатсевар халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллади. Айниқса, "Шаҳло", "Арзи ҳол", "Наврўз рақси", "Баҳор жилоси" куйлари, хусусан Фузулий ғазалига басталанган "Ғамзасин севдинг кўнгул" ашуласи Раҳматжон акани элга танитди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин Муродов ижросидаги мазкур қўшиқдан роҳатланмаган, унинг бетакрор мусиқасига ошуфта бўлмаган мухлис топилмаса керак.

"Инсон энг олий ҳурликка фақатгина мусиқада эришиши мумкин", деган эди машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов. Дарҳақиқат, Раҳматжон Турсунов басталаган куй-қўшиқларни тинглар экансиз, ўзингизни чексиз бир уммонда сузаётгандек ҳис этасиз. Мусиқадаги ҳар бир нолаю нағма, ғамзаю ишвалар билмаган ҳолда сеҳрлаб, ўзига оҳанграбодек тортаверади. Эҳтимол, бунга Раҳматжон ака туғилиб ўсган юрт Қашқадарёнинг кенг далалари, унинг мард ва танти халқи, Қўнғиртовнинг ёш юракка солган ҳайратидир. Балки болаликдан қадрдон дўсти, мактабдоши, ҳалқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов билан бўлган мулоқотлар, қаҳрамон шоиримизнинг куй басталашга тавсия этган ғазалларидир. Чунончи Фузулий ғазалини, Самад Вурғун шеърини ҳам бастакорга шоиримиз тавсия этганини айтиб ўтиш лозим.


Профессор Раҳматжон Турсунов мустақиллик йилларида янада жўшиб меҳнат қилди. Қатор қўшиқлар яратди, кўплаб куйлар басталади. Мазкур қўшиқларни ижро этган шогирдлари "Ўзбекистон - Ватаним маним" қўшиқлар танловида ҳамда "Шарқ тароналари" каби нуфузли халқаро мусиқа фестивалида фахрли ўринларни қўлга киритдилар. Жумладан, Маъмуржон Тўхтасинов, Оролмирзо Сафаров, Ўктам Аҳмедов, Зариф Азизов, Илҳом Фармонов, Анвар Ғаниев, Собиржон Мўминов, Сайёра Қозиева, Ҳосила Раҳимова, Нодира Пирматова устоз басталаган қўшиқларни куйлаб элу юртга танилдилар.

Раҳматжон ака педагоглик фаолиятида асосий эътиборни миллий маънавиятимиз руҳида ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга қаратди. Бинобарин, мазкур йилларда "Ўзбекистонда мусиқа ҳаваскорлиги" (1981), "Қалбимда ўзинг борсан", (2001), "Анъанавий қўшиқ ижрочилиги" (2003) каби асарлар "Ҳаваскорлик ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик" таълим йўналиши ва магистратура учун асосий қўлланма бўлиб қолди. Ўз йўналиши бўйича республикада ягона ҳисобланадиган мазкур кафедрада ажойиб ижодий гуруҳ яратта олди. Ҳозирги кунда бу даргоҳда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари Отаназар Матёқубов, Мустафо Бафоев, Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Аҳмаджон Дадаев, Оролмирзо Сафаров, Мақсадхон Юнусова, шунингдек, 4 нафар профессор ва 7 та доцент талабаларга мусиқа сирларини ўргатишмоқда. Кафедра қошидаги "Сайқал" ансамблининг довруғи ҳам мамлакатимизга таралган. 2001 йилда Раҳматжон Турсуновга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони берилиши устанинг шарафли меҳнати муносиб тақдирланганлигидан далолат беради.

Биз бугунги кунда ўз табаррук ёшини нишонлаётган устозимиз, моҳир педагог, тажрибали ташкилотчи, ажойиб инсон, бетакрор санъаткор, катта қалб соҳиби Раҳматжон Турсуновга илмий-педагогик ва ижодий ишларида улкан муваффақиятлар, мустаҳкам соғлик, ижодий зафарлар тилаб қоламиз.







МАЪНАВИЯТ ВА НАВРЎЗ ТИЛАКЛАРИ

“НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ” ТАНЛОВИГА

Халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутадиган, янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Янгиланиш ва яшариш фасли

ЭЗГУЛИК, НАФОСАТ ТИМСОЛИ

Наврўз — курраи заминни ёшартиради. Бу айём иш боши, барака ато этилувчи кундир.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Наврўз — юртимизнинг гўзал айёми, эзгулик, нафосат тимсоли. Наврўз — пок туйғулар, улуғ ниятлар айёми. Улуғ орзулардан улуғ режалар туғилади Наврўзда. Шу боис ҳам Наврўзи оламни барча бирдек интизорлик билан кутади.

Бир пайтлар шўролар замонида шундай гўзал байрамимизни диний сарқитга чиқаришмоқчи бўлишди. Уни диний сарқит сифатида йўқ қилишга уринганлар бўлди.

Оллоҳга беадад шукроналар бўлсинки, бошимиз узра Истиқлол нури чарақлади. Наврўз диний эмас, балки миллий, меҳр-оқибат, умумхалқ байрами эканлиги намоён бўлди.

1990 йилда, ҳали мустақиллик қўлга киритилмаган даврдаёқ бу айём муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан катта ва тантанали байрам қилинди. Бутун Республикамизда Наврўз ўша йили нақадар кенг нишонланган эди.

Ўшанда қилинган дуолар ижобат бўлиб, 1991 йилда мустақилликка эришдик. Оллоҳ ниятларимизни ўзимизга йўлдош қилди. Асрлар оша аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган улуғ айём — Наврўз қайтди.

Истиқлол йилларида Президентимизнинг саъй-ҳаракати туфайли Наврўз — умумхалқ байрами сифатида давлат миқёсида эътироф этилди. Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлган Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Мана, мустақиллигимизнинг ўн саккизинчи баҳорига ҳам қадам қўйдик, Наврўзимизнинг ўн тўққизинчи йилига ҳам Худо хоҳласа етиб келдик. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дилларимизда сурур, ҳаяжон. Ўн етти йилдирки халқимиз бу улуғ ва гўзаллик айёмини эмин-эркин, зўр шодиёналик билан нишонлаб келмоқда.

Ҳа, мустақиллик халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқарди, ўзлигимизни таниш билан бирга азалий қадриятларимизни қайтарди. Мустақиллик йилларида бу гўзаллик айёми — Наврўз тили ва динидан қатъий назар мамлакатимизда яшаётган барча халқлар ва элатларнинг улкан шодиёнасига айланди.

Шоир айтганидек,

Баҳорим, ифоринг ёзавер энди,
Энди осмонингда қуёшлар кулсин.
Ердан бойчечакнинг бўйи кўринди,
Бизга янги кўклам муборак бўлсин!
Минг йиллар қаридан парвона бўлиб
Яна Наврўз келди жумла жаҳонга.

АСРЛАРДАН АСРЛАРГА

Наврўз миллий қадриятларимизни тараннум этувчи ҳақиқий халқ байрами. Унинг ўзига хос тарихи Она халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби буюклар ўз асарларида Наврўзи ўлам тарихи, унинг моҳияти ҳақида қимматли фикрлар билдирганлар. Ота-боболаримиз Наврўзни байрам қилишдан ташқари, унинг билан боғлиқ бўлган табиат ҳодисаларини ҳам кузатганлар. Бу кузатувларини қўлёзма ҳамда босма китобларда ёзиб қолдирганлар.

Наврўз, манбаларда айтилишича араблар истилосидан анча илгариги даврларда ҳам кенг нишонланган.

Бир донишманддан Наврўз қачондан бошлаб байрам қилинганини сўрашибди. У — Ой ва Қуёш пайдо бўлган пайтдан бошлаб байрам қилинган, деб жавоб берибди. Абу Райҳон Беруний: “Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидай, Наврўз ва Меҳржон замоннинг икки кўзидир”, деб жавоб берган эканлар. Наврўзда, яъни баҳорда кеча ва кундуз тенглашади, кузда эса бу ҳолатнинг такрорланиши кузатилади. Ана шуни Меҳржон деб аталган.

Наврўз ҳақида турли маълумотлар Маҳмуд Қошғарийнинг (XI аср) “Девону луғотит турк” асарида ҳам кенг баён этилган. Булардан ташқари кўплаб тарихий қўлёзмаларда, бошқа манбаларда ҳам Наврўз жуда қадимий байрамларимиздан эканлиги маълум қилинади.

Наврўз элимизнинг севимли байрами, чунки инсон қишдан анча зада бўлиб, зерикиб чиқади. Фаслар келинчаги баҳорни орзиқиб, соғиниб кутиб олади. Деҳқон боболар кўкламги ишни Наврўзи оламнинг илк кунларидан бошлайдилар. Ер ҳам йилбошини кутиб ётгандай, эркин нафас ола бошлайди. Тупроққа тушган уруғ Наврўз нафасидан жонланади, уна бошлайди...

УДУМЛАР, ТАОМИЛЛАР, АНЪАНАЛАР

Дунёдаги ҳамма халқ ва элатларда она замин мавсумлари кутиб олинишининг ажойиб таомиллари бор. Айниқса, баҳор келиши билан табиат уйғониб, олам яшилликка бурканади, инсон табиатида янги ҳис-туйғулар жўш уради, эзгулик ва яхшилик ҳаммани шодликка, меҳнатга, олижаноб фазилатларга ундайди. Наврўзи олам бошланиши билан халқимиз тантанали байрамни дўсту қадрдонлар билан нишонлашга бел боғлайди.

Қадимда ҳам умумхалқ байрами Наврўзни кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрилган. Байрам олдидан уй-жойлар тозаланган, ҳовли-боғлар гуллар билан безалган, ҳамма ўзига янги кийимлар тикдирган. Наврўз кунлари кишилар қўни-қўшни, қариялар, ёр-биродарлар ва қариндошлар билан дийдор кўришган, араз-гиналарга барҳам беришган. Шу улуғ айём давомида беморларни бориб кўриш, ҳол-аҳвол сўраш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланган. Марҳумларнинг қабрини зиёрат этишган.

- Шуниси диққатга сазоворки, Наврўзи олам бир ой давом этади ва қатор баҳор сайилларини ўз ичига қамраб олади,- дейди тарих фанлари номзоди, элшунос олим Билол Аминов. — Булар Наврўз, Гули сурх (лола сайли), қўшчи оши, қизлар мажлиси, дала сайли, сумалак сайли ва бошқалардир. Наврўз байрамига атаб оилаларда махсус баҳор таомлари, яъни ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, шўра, йўнғичқадан ва бошқа кўкатлардан кўк сомса, кўк патир, бийрон ва кўк чучваралар тайёрланади. Айниқса, сумалак сайли алоҳида кўтаринкилик билан кутиб олинади.

Наврўз ёшартириш, жонлантириш, ва юксалтириш байрами. Бу байрам элимизнинг миллий ғурури, виждони, эрки. Барчани эркин нафас олишга чорлайди, руҳиятини кўтаради, қалбларда қувонч уйғотади, яшашга иштиёқни оширади. Ҳаммани бирдек ободончиликка, кўкаламзорлаштиришга, бир сўз билан айтганда, яратувчанликка чорлайди бу байрам.

Наврўз куни етти хил ўсимлик бошоғидан ёки жўхоридан тайёрланган гўжа ҳам йил бошининг қадимий удумларидан ҳисобланади. Айниқса, ун ва ундирилган буғдой майсаси қиймасидан тайёрланган сумалак — йил бошини байрам қилувчи барча Шарқ халқлари, жумладан Ўрта Осиё халқлари учун Наврўзнинг рамзи сифатида эъзозланиб келинмоқда.

Шоир ҳам бу таъкидга қўшилади:

Чиройинг очавер энди, баҳорим,
Гўзаллик барқ уриб оламни тутсин.
Бу айём энг сўлим жойларда ҳар ким
Энг гўзал дамларни қувониб кутсин.
Ҳусни тароватда сўзона бўлиб
Яна Наврўз келди еру осмонга.

Ўрта осиёлик олим Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ёзилишича, Варахшада халқ йилнинг охирида 20 кун бозор ишлари билан машғул бўлиб, 21-куни эса Наврўзни — Янги йилни кутиб олишган ва бу “Деҳқонлар Наврўзи” деб аталган. Бухоро деҳқонлари йил ҳисобини шу кундан бошлаб ҳисоблаганлар. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Наврўз календарь удумлари жумласига кириб, “Йилнинг боши”, “Янги йил” тушунчалари билан тун ва куннинг тенглигига тўғри келар экан.

Буюк аллома Бобурнинг ижодий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, Наврўз у даврда энг оммавий байрамлардан бири сифатида нишонланган. Агар Наврўз пайтида урушлар кетаётган бўлса, жанглар маълум муддатга тўхтатилган, қон тўкилмаган, сайил, ов уюштирилган, ҳар хил мусобақалар, от ўйинлари, камондан найза отиш, чавандозлик, айтишувлар шеърхонликлар уюштирилган. Наврўз пайтида давлатнинг сиёсий ишлари билан шуғулланилмаган, музокаралар олиб бориш тўхтатилган.

Наврўз байрамининг асосий қисми оммавий сайиллардан иборат. Дорбозлар, қизиқчилар, масхарабозлар, ўйинчилар ўз санъатларини намойиш этиб, сайлларга файз киритади. Халқ одатларидан кураш ва кўпкари ташкил этилади.

Наврўз аёллар учун унутилмас байрам, қиз-жувонлар сайлгоҳларга зеб-зийнатлар тақиб, ясаниб боришади, у ерда алоҳида давра ташкил қилиб, ўз тенгқурлари билан гурунглашиб, дам олишади. Дутор чертиб, доира чалиб, қўшиқ ва лапарлар айтилади.

Наврўз фақат ўйин-кулгу айёмигина эмас, моддий-маънавий бойликлар яратишга жадал ундайдиган омил ҳам демакдир. Ижодкор халқимиз Наврўзни бахт, меҳнат, ҳаёт ва дўстлик байрами деб билган, уни интизор кутган, тантанали ўтказган, сўнг унинг туб маъноси ва илҳоми билан яшаб ойлар мобайнида мўъжизалар яратган.

Халқимиз ҳозир ҳам Президентимиз ва ҳукуматимиз раҳнамолигида ота-боболаримизнинг бу ажойиб анъаналарини изчил давом эттириб келмоқда. Наврўз байрами оилаларда, ёру дўстлар даврасида, шаҳар ва маҳаллаларда, мактаблар, олий ва ўрта ўқув юртларида тантанали нишонланяпти.

Наврўз байрамини ўтказишда янгича одат-удумлар қўлланиши унинг маънавий мақсадини бойитиб боряпти. Наврўзнинг кишиларимиз маънавий маданиятини ошириш, эстетик дидини ўстиришдаги хизмати беқиёсдир. У кишиларга маданий ҳордиқ беришдан ташқари, самарали меҳнат қилиш учун куч ва илҳом бағишлайди.

АССАЛОМ ЯНГИ КУН!

Бу дамки эсиб насими Наврўз,
Гул атрини қилди мажлисафрўз.
Боғ ўлди баҳордин гулафшон,
Сунбул бу гул узра кокулафон.

Алишер НАВОИЙ

Доно кексалар эзгу ният билан дейдилар:

— Тинчлик-хотиржамлик бўлсин! Эл-юртимиз тинч бўлсин!

Яхши бу ният-тилакда катта ҳикмат бор. Тинчлик бўлган юртда фаровонлик, дўстлик, меҳр-оқибат, завқли меҳнат жўш уради.

Қишнинг қаҳрли совуғи ва зулматли узоқ кечалари тугаб, Наврўзга чиқиб олган ҳар бир жон борки, шукрона айтади.

— Тинчлик-хотиржамлик билан баҳорга чиқиб олдик, минг бора шукр!

Бу шукронада гап кўп. Ҳар Наврўз бошланиши билан баҳорга чиқиб олдик, минг бора шукр!

Бу шукронада гап кўп. Ҳар Наврўз бошланиши билан умрга умр қўшилади. Шунинг учун ҳам умр сарҳисоб қилинганида “Неча қишни қаршиладингиз?” деб сўралмайди, “Нечанчи баҳорни қаршиладингиз?” деб чиройли лутф айтилади. Ҳамсуҳбат баҳор гўзаллигини кўз ўнгига келтириб, севинч билан дейди:

— Тинчлик-хотиржамлик бўлса, бу йил Наврўзда юзинчи баҳорни кўраман, бўтам!

Тинчлик ва хотиржамликнинг хосияти ана шунда! У сиҳат-саломатлик, завқли меҳнат, ҳаётга муҳаббат, эл-юртга бахт-саодат келтиради.

Т.ТОШЕВ

ОАТБ “ПАХТАБАНК”

барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий қутлайди!
Ушбу қувончли кунларда Сизга саломатлик, баркамоллик ва барча эзгу ишларингизда ривож тилаймиз!

Фурсатдан фойдаланган ҳолда, “Пахтабанк” Сизларга янги йиллик 24 ва 26 фоиз даромад тўланадиган миллий валютадаги **“Тараққиёт”** жамғарма омонатини ҳамда **“Тошкент 2200 ёшда”, “Олтин водий”** муддатли омонатларини, шунингдек, йиллик 6 фоиздан 8 фоизгача даромад тўланадиган хорижий валюта- АҚШ доллари ва ЕВРОдаги **“Чашма”, “Эзгу”** ва **“Севинч”** муддатли омонатларини таклиф этади.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб берилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.


Унутманг, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисоб варақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!

“Пахтабанк” омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

Барқарор молиявий ҳамкор билан фаровон келажагингизни яратинг.

“ПАХТАБАНК”- ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Қўшимча маълумот учун 150-53-65 ва 150-53-43 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.
Хизматлар лицензияланган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси яқинлашиб келаётган ёшариш ва янгиланиш байрами - Наврўз билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.

Баҳор айёми муносабати билан банк Сиз азизларга янги “ИЖТИМОИЙ РАҒБАТ” ҳамда “СОВРИН ПЛЮС” омонатларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

“Ижтимоий рағбат” омонатига пенсия ва ижтимоий нафақалар олувчилардан пул маблағлари 2 ойдан кам бўлмаган муддатга Халқ банкининг барча бўлимлари орқали қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромадлари ҳар ойда тўланиши билан бирга, ҳар ойда ютуқлар тиражи ўтказилиб, омонатчилар 4000 дан ортиқ пул ютуқларининг соҳиби бўлиш имкониятига эгалар.

“Соврин плюс” омонатига эса маблағлар 1 йилдан кам бўлмаган муддатга чекланмаган миқдорда банкнинг барча бўлимлари орқали қабул қилинади.

Бу омонат тури бўйича ҳам Сиз, фоиз даромадларини олиш билан бир вақтда, қўшимча равишда 5 000 000 сўмгача бўлган кўплаб пул ютуқлари совриндори ҳам бўлиш имкониятига эга бўласиз.

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН.

Мурожаат учун тел: 150-12-91
Хизматлар лицензияланган.№ 25 25.01.2003



ИСТИҚБОЛ


БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳзод ИСКАНДАР

Янги босқич

қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолининг турмуш даражаси янада ошади

Мамлакатимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг фаровон бўлиши кўп жиҳатдан қишлоқларимизнинг келажаги билан боғлиқ. Шу жиҳатдан қишлоқ аҳолисининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Боисики, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммоларини ҳал этмай туриб, тўла маънодаги иқтисодий ислоҳотларни дадил давом эттириш қийин.



Юртимизда босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар аслида қишлоқлардан бошланган эди. Ҳали мустақилликка эришмасимиздан олдин, асосан ғўза экиладиган майдонлар ҳисобидан қишлоқ аҳлига томорқалар ажратилгани ҳам катта шижоат ва мардлик талаб қиладиган фидойилик бўлган. Ўтган давр мобайнида давлатимизда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири - қишлоқни шаҳар даражасига кўтариш бўлди. Халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашда, аввалambor, қишлоққа эътибор қаратилганлиги ҳар томонлама адолатли иш бўлганини эътироф этишимиз лозим. Аҳоли пунктларини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида минглаб километр газ ҳамда сув қувурлари тортилди.

Кўп узоққа бормайлик: 2008 йилда республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш даражаси 9 фоизни ташкил этди, қишлоқ хўжалигида эса 4,5 фоизга ўсишга эришилиб, 3 миллион 410 минг тонна пахта хомашёси, 6 миллион 330 минг тонна ғалла етиштирилди (2009 йилда эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштиришга 1 триллион 200 миллиард сўм йўналтирилиши кўзда тутилган). Бугун фермер хўжаликлари қишлоқларимиз ривожида асосий кучга айланди. 2008 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг 90, бошоқли дон экинларининг эса 80 фоизидан зиёди фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати, маҳсулотларни қадоқлаш, жойлаш, экспорт қилиш каби хизмат кўрсатиш турларининг кўпайиши бозор инфратузилмасининг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқлардаги бундай ижобий ўзгаришларни янада жадаллаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун, шубҳасиз амалдаги қонунларимизни янада такомиллаштириш ва янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқишга эътибор қаратиш зарур.

Жорий йилнинг 26 январь куни Президентимиз қарори билан қабул қилинган 9 бўлим ва 105 банддан иборат бўлган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган кенг кўламдаги вазифаларнинг салмоғи қишлоқда яшаётган фуқароларимизга фаровон турмуш тарзини яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар янги босқичга кўтарилишини англатади. Буни биз бевосита қарорнинг мақсадида ҳамда Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятида кўрамиз. Қарор ўз моҳияти ва мақсади жиҳатидан эзгу бир ғояни, яъни инсон манфаатлари ва унинг саодатли яшашини таъминлаш жараёнини янада чуқурлаштиришни назарда тутади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да назарда тутилган хайрли ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Дастурга кўра, 2009-2015 йилларда қишлоқ жойларида умумий майдони 7 миллион 100 минг квадрат метрга уй-жой қуриб, фойдаланишга топширилиши белгиланган. Жорий йил давомида 452 та чакана савдо нуқталари, хусусан минимаркетлар, 126 та умумий овқатланиш объектлари, шунингдек, 1 минг 856 та маиший хизмат кўрсатиш корхонаси тикланиши режалаштирилган. Бу қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш ва 140 мингта янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Дастурда энг муҳим йўналишлардан бири, бу - қишлоқда турмуш даражасини ошириш, қишлоқ аҳли манфаатларини янада тўлароқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришдир. Ушбу мақсадда 2009 йилда мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 3 та қонун қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Дастурда қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқиш ҳам белгиланган. Айниқса, қишлоқ жойларида уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишини лойиҳалаш ҳамда қишлоқ жойларининг архитектурасини ташкил этиш тизимини тубдан яхшилаш масаласи долзарб юмушлар қаторига киритилган.

Қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шахобчаларини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш тадбирлари – аҳолини, биринчи галда, ёшларни кўпроқ иш билан таъминлаш имконини беради. Ушбу мақсадда дастурда 202 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган, бунинг натижасида 100 минглаб янги иш ўринлари яратилади. Бу – Юртбошимиз маърузасида айтилган "Қишлоқ жойларидаги мавжуд инфратузилмани яна бир бор танқидий баҳолаб, уни кенгайтириш бўйича қўшимча маблағ ва имкониятлар топиш зарур. Бу қишлоқларда аҳолини, айниқса, ёшларнинг бандлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири экканини унутмаслигимиз даркор" – деган гапларига тўла мос келади.

Дастурда қурилиш хомашёси ва материаллари турини кўпайтириш ҳамда нархини арзонлаштириш учун жойларда цемент, оҳак, гипс, шунингдек, турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги қувватларни барпо қилишга алоҳида эътибор берилган, қурилиш учун зарур бўлган хомашё конларини тиклаш ва борларининг иш самарасини ошириш, қурилишбоп материалларни аҳолига мақбул нархларда сотадиган 77 та фирма дўконлари ва уларнинг филиалларини очиш кўзда тутилган. Қишлоқларимизда биргина касаначилик ҳаракатининг изчил ривожланиши натижасида яна 70 минг киши иш ўринларига эга бўлади. "Саломатлик-2" ва "Шошилинч тиббий ёрдам бўлимларини тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш" инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши эса аҳоли саломатлигини тиклашга ижобий таъсир кўрсатади. Йил якунигача 6 та академик лицей, 164 та касб-ҳунар коллежи, янги қурилган ва капитал реконструкция қилинган 733 та умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилади. Қишлоқ жойларида 168 та болалар спорти иншооти, 6 та сузиш ҳавзаси ҳамда 5 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилади ва реконструкция қилинади. Хуллас, дастурда қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ бирор соҳа четда қолгани йўқ. Уларнинг ҳаммасини биргина ушбу мақолада қамраб олиш мушкул. Барча соҳа кенг, комплекс қамровда бўлиб, қилинадиган ишлар ва вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Энг муҳими, юқорида келтирилган маълумотлар бугунги кунда дунёда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, ишсизлик тобора кучайиб бораётган бир пайтда, мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хусусан, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий-маиший эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришга, қишлоқ ободлиги орқали мамлакат иқтисодиётини бундан буён ҳам изчил ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётганини яққол тасдиқлаб турибди.

2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланиши ва бу борада қабул қилинган Дастур "фақат 2009 йилга келиб, қишлоққа энди эътибор берилди" дегани эмас. Мазкур масала истиқлол бошиданоқ, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар босқичма-босқич давом этиб келмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасида таъкидланганидек: "... бу устувор йўналиш ва уни амалга ошириш дастури нафақат 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинган".


● 2009 йилнинг март-декабр ойларида қишлоқ жойларда 168 та болалар спорти объектлари қурилади ва реконструкция қилинади, шунингдек, 6 та академик лицей, 164 та касб-ҳунар коллежи, 65 та умумтаълим мактаби бунёд этилади. "Саломатлик-2" лойиҳаси доирасида 46 та қишлоқ врачлик пункти ҳамда 87 та шифохона замонавий тиббий ускуналар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланади.

● Истиқлолнинг ўтган даври мобайнида мамлакатимизда қишлоқ ҳаёти ва хўжалигини ривожлантиришга қаратилган 80 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинган. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ва бунга масъул ижрочиларнинг белгилаб қўйилгани - бу муҳим ҳужжатнинг тўла ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашга хизмат қилади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Орадан 60 йил ўтиб...

Ливан мамлакат тарихида биринчи маротаба Сурияда ўз элчихонасини очди. Бу ҳақда AFP агентлиги хабар тарқатган. Элчихона пойтахт Дамашқдаги Абу Рамманоҳ туманида жойлашган.



Сурия ва Ливан ўртасидаги расмий дипломатик алоқалар 2008 йилнинг октябрь ойида йўлга қўйилганди. Бунгача ҳар иккала мамлакат (Франциядан мустақил бўлгач, деярли 60 йил) орасида дипломатик муносабатлар мавжуд бўлмаган. Шунга қарамай, Сурия Ливан сиёсатига жиддий таъсир кўрсатди. 1976 йил Ливанда фуқаролар уруши бошлангач, орадан 1 йил ўтиб Сурия у ерга ўз ҳарбийларини олиб кирди. Ушбу армия қарийб 30 йил давомида мамлакатда фаолият олиб борди ва 2005 йилда Ливанни тарк этган эди.


Фаолиятлар тўхтатилди

Судан президенти Умар Ҳасан ал-Башир мамлакатда халқаро гуманитар ташкилотлар фаолиятини 1 йилга тўхтатиб қўйди.

Жорий йилнинг март ойида ал-Башир Судандан 13 та хорижий нодавлат гуруҳларни чиқариб юборган. Давлат раҳбари уларни яқинда ал-Баширни қамоққа олишга ордер берган Халқаро жиноят суди билан ҳамкорликда иш олиб бораётганликда айблаган. Айни пайтда Судан ҳудудида қарийб 70 та халқаро гуманитар ташкилотлар аъзолари қолган. Эндиликда улар ҳам мамлакатда тўлақонли иш олиб боради, дейиш қийин. Зеро, президент бундан буён Суданга келаётган инсонпарварлик ёрдамларини тарқатиш билан суданликларнинг ўзлари шуғулланишига рухсат берган.

Вазиятга ҳавас қилманг

Яхши одатларнинг етишмаслиги Буюк британияликларнинг асосий ижтимоий муаммосига айланди. Ўтказилган сўровлар мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғи айнан шу фикрда эканини кўрсатди.



Жамиятда авж олаётган ёмон одатларнинг биринчи ўнталигидан тупуриш, ҳақорат қилиш, навбатсиз ўтишга уриниш, «марҳамат» ва «раҳмат» каби сўзларни айтишни хоҳламаслик, жамоат жойларида мусиқани баландлатиб қўйиш, кекириш, мобил телефонда баланд овозда гаплашиш, автомобиллар ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига эътиборсизлик, ҳомиладор аёлларга жой беришни истамаслик, ортда келаётган одам учун эшикни ушлаб турмаслик (масалан, метрода) каби ҳолатлар киритилди.

Сўровнинг 86 фоиз иштирокчиси британияликлар сўнгги 10 йил мобайнида анчайин қўполлашиб кетганини таъкидлашган. 90 фоиз респондентнинг фикрича, бу соҳадаги вазиятнинг ёмонлашувига сабаб ота-оналарнинг болаларга ёмон намуна бўлаётганидадир. Аҳвол шу даражага етганки, ҳатто британияликларнинг учдан икки қисми мактабларда болаларга яхши одатлар махсус тартибда ўргатилиши керак, деган хулосага келишган.

Интернет хабарлари асосида тайёрлади

МЕРОС

Жаҳон кенг, дунёда мамлакатлар кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз Ўзбекистонимиз якка ю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Ислом КАРИМОВ

Тарихимиз кўзгуси

"Ўзбекистон маданий ёдгорликлари хазинаси" номли каталог Японияда нашрга тайёрланмоқда — дейди Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори ўринбосари О.Орифжонов

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон тарихи Давлат музейига боришни режалаштирганман. Ёмғир шаррос қуймоқда. Шу ёмғирда музейда ким ҳам бўларди, деган ўй билан у ерга бордим. Бироқ, ёмғир тинмай ёғаётган бўлишига қарамай, музей томошабин билан гавжум. Бу масканда ўқувчию талабалардан ташқари, бир кекса аёл ва унинг набирасига кўзим тушди. Уларнинг ёнидан ўтаётиб, онахоннинг: "Болажоним-ей, яхшиям мени шу музейга олиб боринг, дебсан, бўлмаса, кўп нарса хотирамдан кўтарилиб кетган экан. Бу зар тўнлару тиллақошлар, обдастаю чўян қозонларни кўрганимга эҳ-хе неча замонлар бўлганини билсанг эди", дегани қулоғимга чалинди...

Дарҳақиқат, тарихимиз кўзгуси бўлган музейлар нафақат маданий маскан, шу билан бирга ўтмиш хотираларни сақлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизнинг салоҳиятли ва нуфузли илмий, маданий-маърифий маркази бўлмиш ушбу музейга 1876 йилда асос солинган бўлса-да, фақат мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин Президентимиз ташаббуси билан ҳақиқий Давлат музейига айланди. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги 203-сонли қарорига мувофиқ мустақил илмий-тадқиқот муассасаси сифатида қайта ташкил этилди ва 1994 йил 5 августдаги 402-сонли қарорига биноан унга Давлат музейи мақоми берилди.

Музейнинг янги экспозицияси 2003 йилда халқимизнинг бой тарихи ва давлатчилигини ўрганиш концепцияси асосида яратилган. Шунингдек, музей экспозицияларидан Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврлардан ҳозиргача бўлган даврни акс эттирувчи экспонатлар ўрин олган. Шунга асосан, музей Ўзбекистон ҳудудида кечган тарихий-маданий жараёнлар, бу ерда шаклланган цивилизацияларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини акс эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Музей экспозицияси бир нечта бўлимлардан иборат. "Ўзбекистон ҳудудида тош асри" (мил. аввалги 1,5 минг й.—V минг йиллик), "Ўзбекистон ҳудудида жез (бронза) даври" (мил.авв. III-II минг йилликлар), "Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг юзага келиши ва ривожланиши" (мил.авв. I минг йиллик —IV аср), "Ўзбекистон ҳудудидаги давлат уюшмалари" (V- VII асрлар), "Ўзбекистонда илм-фан ва маданиятнинг тараққиёти" (IX- XII асрлар), "Амир Темур ва темурийлар даври ренессанси"(XIV-XV асрлар), "XVI-XVIII асрларда Ўзбекистон", "Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиши" (XIX асрнинг иккинчи ярими XX аср), "Ўзбекистон совет тоталитар тузуми даврида" (1917-1991 йй.), "Мустақил Ўзбекистон — озод ва обод Ватан" каби экспозицияларда Ватанимиз тарихи, ўтмиши ҳамда бугунги ҳаёти тўлақонли акс эттирилган.

Музей фондида 250 мингдан ортиқ экспонат бўлиб, шундан 60 мингтаси археологияга, 80 мингдан зиёди нумизматикага ва 16 мингги этнографияга оид. Қолаверса, музейда 100 мингга яқин архив ҳужжатлари ва китоблар сақланади. Бу ерда кўплаб ноёб экспонатлар ҳам жой олган. Жумладан, Селунғур, Тешиктош ва Обираҳмат ғорларидан топилган қадимги одам қолдиқлари, Фарғона водийсидан топилган икки бошли илон шаклидаги тош тумор, Фаёзтепадан топилган будда ибодатхонаси ёдгорликлари: роҳиблар тасвирланган будда ҳайкали ва деворий расмлар, Обурдон қишлоғидан келтирилган X асрга оид нақшинкор ўйма устун каби жаҳонга машҳур осори-атиқалар музей экспозициясидан муносиб ўрин эгаллаган.

Музейнинг нумизматика фондида жуда ҳам катта тарихий аҳамиятга эга тангалар сақланади. Айниқса, мил.ав. V асрдан XIX асргача зарб қилинган тангалар орасида Аҳамонийлар, Александр Македонский, Юнон-Бақтрия, Кушон, Хоразм, Сўғд ва Чочда зарб қилинган тангалар ҳам бор. Шу билан бирга музей экспозицияларидан ўрта асрларда ҳукмронлик қилган Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Чингизийлар, Темурийлар сулоласи, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларига мансуб тангалар жой олган. Этнографияга оид ёдгорликлар катта маданий-тарихий ва бадиий аҳамиятга эга уй-рўзғор буюмлари, кийимкечак ва ҳунармандчиликка доир буюмлар музейнинг энг катта хазинаси ҳисобланади.

Музей юртимизнинг бир қатор шаҳарларида (Марғилон, Қарши, Хива) янги музейларни ташкил этиш бўйича катта илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Мазкур илмий тадқиқотлар натижаси ўлароқ музей соҳага оид бир қатор китоблар чоп эттирди. "Темурийлар сулоласига оид тангалар", "Ўзбекистоннинг XVIII-XX асрларда ишланган металл ва сопол буюмлари каталоги", "XIX-XX асрларда яратилган ўзбек миллий либослари", "Жаҳон этнологияси асослари", "Кўҳна олам сирлари" ана шундай кўргазмали нашрлар сирасига киради..

Ўзбекистон тарихини ёритувчи кўргазмалар, олиб борилаётган узоқ йиллик тадқиқотлар ҳақида музей раҳбари ўринбосари Отабек Орифжонов шундай дейди:

— Мустақиллик йилларида музей бир қанча каталоглар, йўлкўрсаткич, буклет ва монографияларни ЎзРФА Тарих, Археология институтлари билан мувофиқлаштирилган ҳолда нашр этди. Шу кунларда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи экспонатлари асосида тўрт тилда (ўзбек, рус, инглиз, япон) "Ўзбекистон маданий ёдгорликлари хазинаси" номли каталог нашрга тайёрланмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда инновацион лойиҳа бўйича музей илмий ходимлари томонидан "Ўзбекистонда ҳарбий санъат тарихи" номли монография тайёрланмоқда. Мазкур тадқиқотни олиб боришдан асосий мақсад жанг-мудофаа қуроллари коллекциясини чуқур ўрганиш, Ўрта Осиё ва ўзбек халқининг ҳарб тарихига доир муҳим маълумотларни тўплашдан иборат. Лойиҳа тўлиқ амалга ошгач, юртимизнинг ҳарбий санъати тарихи (ўзбек, рус, инглиз тилларида) ҳақида ҳикоя қилувчи илмий монография чоп қилинади. Ўйламизки, музейнинг ушбу туҳфаси ўрта ва олий ўқув юртларида тарихни ўрганишда қўшимча манба, ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Музейда Ўзбекистон тарихини ёритиб берувчи тарихий ва хотиравий саналарга бағишланган экспозиция асосида аҳолининг турли қатламлари билан кенг қамровли илмий-маърифий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда қатор учрашувлар ташкил қилинмоқда. Яқинда Ҳамза туманида жойлашган корхона, ташкилот ва маҳаллаларда олиму профессорларимиз азим Тошкентимизнинг тарихини ёритиб берувчи маърузалар ўқиб, мазмунли суҳбатлар ўтказишди. Шунингдек, музей мамлакатимиз жамоатчилиги орасида кенг маданий-оқартув ишларини ҳам олиб бормоқда. Айниқса, мактаб ўқувчилари ва талабаларни музейга жалб этишда яхши тажрибалар тўпланган. Музей экспозицияси орқали ўқув-тематик экскурсиялар, очиқ дарслар, лекциялар ташкил этиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Музейнинг илмий экспозицион фаолияти йўналишларидан яна бири муваққат ва кўчма кўргазмалар тайёрлашдир. 2003-2006 йиллар мобайнида музей 30 га яқин кўргазмаларда қатнашди. "Ўзбек халқ ҳунармандчилиги", "Қоратепа — Ўрта Осиёдаги буддавийлар маркази", "Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги", "Қадимий ва навқирон Қарши", "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги", "Тошкент: кеча ва бугун" шулар жумласига киради. Музей хорижда ўтказилган кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг тарихи, маданий меросини тарғиб қилиб келмоқда. Айниқса, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, АҚШ, Германия каби давлатларда ташкил этилган кўргазмаларда музей экспонатлари алоҳида эътироф этилган.

Жорий йилда ҳам янги кўргазмаларни ташкил этишни режалаштирганмиз. Корея миллий музейида "Қадимги Ўзбекистон" (Корея, Сеул) кўргазмасини 2009 йилнинг октябрь ойларида ўтказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Германияда бўлиб ўтадиган "Буюк Александр ва дунё кашфиётлари: Марказий Осиё маданияти" номли кўргазмада қатнашиш учун ҳам тайёргарлик кўраяпмиз.

Археологик экспедицияларга келсак, айни пайтда "Реставрация бўлими" ходимлари Сурхондарё вилояти Музработ туманида жойлашган антик даврда бунёд этилган Кампиртепа манзилгоҳида археологик қазишма ишларини олиб боришмоқда. Академик Э.Ртвеладзе ва Ж.Илясов бошчилигидаги экспедиция гуруҳи Кампиртепа қалъасининг шарқий, ғарбий ва жанубий қисмларида олиб борилган қазишма ишлари чоғида I-II асрларга тегишли хоналар очилиб, топилган материалларнинг бир қисми музей фондидан ўрин олди. Ана шундай экспедицияларнинг аввалгиси бир неча йил аввал Тошкент денгизи атрофидаги Туябўғуз қишлоғида ўтказилган эди. Ўшанда Қадимги Киндиктепа шаҳридан топилган 600 та сопол ва мис буюмлар, қадимги муҳрлар музей фондини янада бойитган.

Келгусида музей экспозицияси ва фонд материаллари асосида веб-сайтлар яратиш, кўргазмалар ташкил этиш, мавзули тадбирлар ўтказиш йўли билан ўзбек халқи давлатчилиги тарихи, халқимизнинг маданий ёдгорликлари ва асрлар давомида олиб борган яратувчилик ишларини тарғиб этиш бўйича мунтазам иш олиб бориш кўзда тутилган.

БАЙРАМ ТАБРИГИ



"QIZILQUMSEMENT" Certificate № 0410020050368



«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Халқимизни эзгуликлар тантанаси мужассам айём –
Наврўз шодиёнаси билан самимий муборакбод этади.

Қадимий ва ҳамиша навқирон, янгиланиш ва яшариш байрами - Наврўзи олам юртимизга тинчлик, дастурхонларимизга тўкин-сочинлик, ҳар бир хонадонга осойишталик, бахт-саодат, кўнгилларимизга хотиржамлик олиб келсин.

Йилбоши – асл бободеҳқонлар байрами – Наврўзи оламнинг қадами қутлуғ ва хайрли бўлсин.



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-223, Адади — 5870

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.30.

1 2 3 4 5 6 8